

## Кўпгап - мазмум Камгап - мамдух

Image not found or type unknown



00:30 / 04.05.2017 5236

5366. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Албатта, Аллоҳ одамларнинг ичида тилини сигирнинг тилига ўхшатиб айлантирган гапдонни ёмон кўради»,** дедилар».

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Мол кавш қайтарганда тилини икки лунжида айлантирганга ўхшаб, ҳуда-беҳудага балоғатга зеб бериб, ўзини кўрсатиш учун балоғатли сўзлашга ҳаракат қилган одамни Аллоҳ таоло хуш кўрмас экан. Бу маънода эҳтиёт бўлмоқ зарур

5367. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким кишиларнинг ёки одамларнинг қалбини ром қилиш учун сўз ўйини қилишни ўрганган бўлса, Аллоҳ қиёмат куни у одамдан тавбани ҳам, фидяни ҳам қабул қилмас»,** дедилар».

*Абу Довуд ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Одамларни қойил қолдириш учун қилинган иш риёдан ўзга нарса бўлиши мумкин эмас. Риё эса доимо мазаммат қилинган нарсадир.

5368. *«Ибн Умар розияллоҳу анҳумо:*

«Машриқдан икки киши келди. Улар хутба қилдилар. Одамлар лол қолдилар. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Албатта, баённинг сеҳрлиси ҳам бор» ёки «Албатта, баённинг баъзиси сеҳрдир»,** дедилар».

*Абу Довуд ва Бухорий ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Машриқдан келган икки киши – Зарбуқон ибн Бадр ва Амр ибн ал-Аҳтам эди. Албатта, чиройли гап кишини сеҳрлаб қўйиши бор.

5369. *«Бир киши туриб, кўп гапирди. Шунда Амр ибн Осс:*

«Агар гапини қисқа қилганида, ўзига яхши бўлар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Батаҳқиқ, гапни қисқа қилишни хуш кўрдим** (ёки амр қилиндим). **Албатта, қисқа қилиш яхшидир»,** деганларини эшитганман», деди».

*Абу Довуд солиҳ санад ила ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Албатта, мазмунсиз кўп гапдан сермазмун оз гап яхшидир.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(ҳадис ва ҳаёт китобидан)*